

жалик юритиш учун муқобил вариантларни тўғри танлаш ва қарор қабул қилиш малакасига эга бўлган иқтисодчилар тайёрлашнигина эмас, балки жамиятнинг барча аъзоларида иқтисодий фикрлашни шакллантиришни ҳам талаб қилади.

Иқтисодий фикрлашни шакллантириш эса таълим-тарбия орқали амалга оширилади. Бу зарурият чуқур иқтисодий билимга, малакага эга бўлган иқтисод-чилар тайёрлашнигина эмас, балки уларни ўқитадиган иқтисодчи-педагоглар тайёрлашни ҳам талаб қилади.

Бу борада иқтисодий фанларни ўқитиш методикаси фани ўзига хос крин тутати ва талабаларнинг иқтисодий фанларни чуқур ўрганишларига ёрдам беради. Иқтисодиёт сир-асрорларини чуқур ўрганиш, аввало, иқтисодиёт назарияси фанини, қолаверса бошқа иқтисодий фанларни ҳам, чуқур билишга талаб этади. Тошкент Молия институтида ўқитил адиган «Иқтисодиёт назарияси», «Банк иши», «Солиқ ва солиққа тортиш», «Молия», «Бухгалтерия ҳисоби», «Молиявий ва бошқарув таҳлили», «Аудит» ва бошқа фанларни яхши билиш орқали талабалар касб-хунар коллежлари, академик лицей, умумий ўрта таълим мактаби, қолаверса, магистратура битиргач, олий таълим муассасаларида ҳам даре бера оладилар.

Виктор Гюго айтганидек, «таракқиёт тасодиф эмас, балки заруратдир». Заруратдан келиб чиқиб, иқтисодий фанлар билан педагогика фанининг интеграцияси жараёнида янги «Махсус фанларни ўқитиш методикаси» фани шаклланди.

*Проф. Н.Исакулова,
ЎМҚХТТҚМО ва УҚТИ*

ТАБИЙ ФАНЛАР ИНТЕГРАЦИЯСИ АСОСИДА ЭКОЛОГИК ТАРБИЯ БЕРИШ

Ўқувчиларга фанлараро экологик тарбия бериш экологик саводхонликнинг ошишига имкон яратиб беради. Табиий фанлараро экологик тарбия бериш умум-таълим фанларининг мисолда амалга оширилади. Умумтаълим табиий фанлари қуйидагилардан иборат:

- «Биология»; - «Киме»; - «Физика»; - «География». Бу фанлар ўқувчиларга табиий фанлараро экологик тарбияни қуйидагича амалга оширади: - экологик тарбияни табиий фанлар йўналишда ўрганишни; - экологик тарбияни табиий фан нуқтаи назаридан таҳлил қилишни; экологик мазмундаги табиий фан мавзулари билан танишишни; - фанлараро боғланиш; - синфлараро боғланиш; - экологик тарбиянинг биологик, кимёвий, физик, географик томондан ўрганилишини; - экологик тарбияни ўзида акс этган табиий фанлараро тушунчаларга фан таҳлилини; - оддийликдан мураккаблик томон табиий фан мавзуларининг ўрганилишини; - экологик тарбиянинг табиий масалалари ёритилишини; - экологик тарбияга муҳитнинг таъсири жараёнида табиий фанлараро боғланиш назарга олинлигини; - табиий фанлараро боғланишда даре ва дарсдан таҳқари машгулотларни уюштириш жараёнида; - фанлараро боғланиш асосида ташкил этилган машгулотда табиий фан ўқитувчисининг имкониятлари; - экологик мазмундаги фанлараро боғланишда ўқитувчининг мажбуриятлари; - танланган экологик мазмундаги мавзуларга муносиб фан ўқитувчисининг танлаш лозимлигини; - ўқувчиларнинг табиий фанларга нисбатан қизиқишларини эътиборга олиш даркорлигини; - даре ва дарсдан ташқари машгулотларнинг тарбиявий томонлари ёритилишини ва ҳ.к.

Табиий фанлараро экологик тарбия беришда қуйидаги талаблар қўйилади: - экологик мазмундаги табиий фан билимларини ўзлаштириш, ўзлаштирилган назарий билимлар амалиётга татбиқ этиш; - табиий фанлар асосларини эгаллашлари учун зарур бўладиган билимларга эга бўлиш асосида экологик тарбияланиш; - муваффақият ва ижодий фикрлаш, ўз фикрларини ёзма ва ошма раван баён этиш малакаларини эгаллаш асосида экологик мазмундаги топшириқларни бажариш; - экологияга оид билимларни мунтазам ошириб, муваффақият билан бериш, интилиш, ўқув фаолиятга ижодий ва муваффақият

ёндашиш сифатларига эга бўлиш; - ' табиий фаялараро боғланишни билиш, уларни амалий фаолиятда қўллай олиш; - турли экологик вазиятни табиий фанлар асосида таҳлил эта олиш; -экологик тарбияни мустахкамлаш; -фанлараро экологик тарбияни ўзлаштириш ва ҳ.к.

Ўқувчиларга табиий фанлараро экологик тарбия бериш жараёнида умум- таълим фанларининг ўзлаштирилиши куйидаги натижаларни шакллантиради: «Физика» билан фанлараро алоқа воситасида экологик тарбия мазмунида физик масалаларни ўрганишнинг тарбиявий аҳамияти куйидагиларда намоён бўлади: 1. Экологик мазмундаги ва фанлараро алоқа йўсинидаги физик масалалар ўқувчи- ларда табиатдаги ҳаракатланишни англашнинг муҳим воситаси ҳисобланаяи. 2. Бундай тадбирлар биология, кимё, география каби ўқув фанлари билан функционал боғланишларни юзага келтиради ва улар ўқувчиларнинг кундалик ҳаётида мустахкамланиб боришига олиб келади. 3. Физик масалаларни ўрганиш ўқувчи- ларни келгусида ўзи яшаётган ўлка экологиясига нисбатан эко-физик онг ва маданиятнинг шаклланишида муҳим аҳамият касб этади. 4. Табиат физиканинг муҳим воситаси сифатида ўқувчиларда табиат қонунларини ишлаб чиқаришга . татбиқ қилиш бўйича кўникма ва малакаларни шакллантиришга ёрдам беради. » «**Биология**» фани теварак оламнинг тузилиши ва табиат хилма-хиллиги ҳақидаги биологик билимларни беради ва биологик дунёқарашнинг шаклланишига замин яратади. Биология фани табиат ва уни муҳофазасини таҳлил этиш жараёнида унинг тарбиявий аҳамиятга куйидагича намоён бўлади: 1. Биология дарсларида табиат ва унинг пайдо бўлиш жараёнларини ўрганиш ҳамда ижтимоий фойдали ва унумли меҳнатни севиши сингари сифатларни тарбиялашда муҳим восита ҳисобланади. 2. Бундай мавзулар табиий ўқув предметлари билан функционал боғланишларни юзага келтиради ва улар ўқувчиларнинг кундалик ҳаётида мустахкамланиб боришига имкон яратади. 3. Табиатнинг диний ва тадрижий таҳлили экологик онг ва маданият шаклланишида муҳим аҳамият касб этади. 4. Бундай масалалар ўқувчиларда табиатга онгли муносабатни таркиб топтириш ва мустахкамлашда муҳим воситаси ҳисобланади. 5. Шунингдек, ушбу масалалар ўқувчиларда табиат қонунларини қишлоқ хўжалигига татбиқ қилиш бўйича кўникма ва малакаларни шакллантиришга ёрдам беради. «**География**» фани табиатнинг географик билимларини беради ва табиат ҳақидаги географик дунёқарашнинг шаклланишига замин яратади. Табиат ва уни муҳофазасини география фани нуктаи назаридан таҳлил этиш жараёнида унинг тарбиявий аҳамиятга куйидагича намоён бўлади: 1. Табиатнинг географик-худудий томонларини ўрганиш экологик ва географик тарбиялашда муҳим восита ҳисобланади. 2. Бундай мавзулар табиий ўқув фанлари билан функционал алоқдорликда имкон яратади. 3. Табиатнинг худудий таҳлили гео-экологик маданият шаклланишида муҳим аҳамият касб этади. 4. Бундай масалалар давлат назоратида эканлиги ўқувчиларда табиатга онгли муносабатни мустахкамлашнинг муҳим воситаси ҳисобланади. «**Кимё**» ўлка табиатининг кимёвий хилма-хиллиги ҳақидаги билимларнинг , шаклланишига ёрдам беради. Табиат ва унинг муҳофазасини таҳлил этиш жараёнида кимё фанининг тарбиявий аҳамиятга куйидагича намоён бўлади: 1. Улкамиз табиати ва уни муҳофаза қилиш табиатни ардоқлаш сингари сифат- : ларни тарбиялашда табиатдаги кимёвий элементлар муҳим восита ҳисобланади. 2. Кимёнинг бошқа табиий ўқув фанлари билан боғланишини юзага келтириш

ўқувчиларнинг кундалик ҳаётида табиатни элементлар ўрганилиши нуктаи назар- дан ўрганишга имкон яратади. 3. Табиатни эъзозлаш жараёнида унинг кимёвий тузилмаси экология тарбия шаклланишида муҳим аҳамият касб этади. 4. Ўқув- чиларда табиатга онгли муносабатни йирик топтириш ва мустахкамлаш муҳим ҳисобланади. Демак, табиий фанлараро экологик тарбия диалектик боғлиқликда амалга оширилади. . ! ,

*Проф. Б.Каримов.
Фалсафа ва ҳуқук, института*

ҲОЗИРГЎ ЗАМОН ИЛМЎЙ МАНЗАРАСИ ВА ЭМАНАЦИЯ КОНЦЕПЦЎЙСИ